

УРУҒЛАРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Салоҳиддинов Ғайрат Мейлиқулович¹

¹ Тошкент давлат Аграр университети
қишлоқ хўжалиги фан номзоди

МАҚОЛА МАЪЛУМОТИ:

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 24.12.2024

Revised: 25.12.2024

Accepted: 26.12.2024

КАЛИТ СЎЗЛАР:

тажриба, уруғ,
ўрмонзор

Уруғ кўчатларнинг дала шароитида униб чиқиш кўрсаткичи 78% ни ташкил қилса, вегетация охирида уларнинг сақланиб қолиш даражаси 70% га тенг бўлди. Ушбу усулда экилган уруғлар кузда экилганга нисбатан унувчанлик ва вегетация охирида уруғкўчатларнинг сақланиб қолиш даражаси 1% юқори кўрсаткични ташкил қилди.

КИРИШ. Ўрмон ўстириш ўнлаб йиллар билан ўлчанадиган узоқ жараёндир шу сабабли ўрмонзорлар барпо этиш ва аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда дастлабки жараёнларни тўғри ташкил қилиш келажакда юқори натижалар гарови ҳисобланади. Япон софораси асосан уруғидан кўчат қилиб кўпайтирилганлиги сабабли биз уруғларни экишга тайёрлаш ва экиш муддатлари бўйича тажрибалар ўтказдик.



Япон софорасининг пишиб етилган уруғмевалари

Уруғларни экишга тайёрлаш ва экиш муддатлари бўйича турли ўсиш шароитларидан келиб чиққан ҳолда тавсия берилган [Хоназаров А. А., 2002 йил, 17 бет; Желтикова Т. А., “Рекомендации по выращиванию посадочного материала сенных пород в питомниках Узбекской ССР на базе комплексной механизации» Ташкент 1983 «Узгипрозем» 29 стр; Новоселсева А. И., Кречтова Н.В., Крестова О. Ф., Любич Е. С. Собинова А.М., Шахова Е.Р., Москва «Лесная промышленность», 1978 г, 219 стр.] Япон софораси уруғларини экишга тайёрлаш бўйича уч хил усулдан фойдаландик. Бунда уруғлар жорий йилнинг ноябр ойининг биринчи ун кунлигида, кейинги йил март ойининг иккинчи ўн кунлигида ва апрель ойининг биринчи ўн кунлиги килиб белгиладик. Ушбу муддатларга мос равишда уруғларни экишга тайёрлаш усулларидан фойдаландик. Ноябрь ойида уруғлар куруқ ҳолда ҳеч қандай ишловларсиз экилди, март ойининг биринчи ўн кунлиги учун 30 кун нам қумга аралаштириб сақланган ҳолда тайёрланган уруғларда фойдаланган бўлсак, апрель ойида куруқ уруғлар 70-75⁰ С ли иссиқ сувда 6-8 соат димлаб экилди. Барча экиш муддатлари ва усулларида уруғлар мева этидан тозаланган, ювилган ва қуритилган ҳолдаги тоза уруғлардан фойдаланилди.


1-жадвал. Япон софораси уруғларини экишга тайёрлаш усуллари, экиш муддатлари, унувчанлиги ва ниҳолларнинг сақланиб қолиши

Уруғ экиш муддатлари	Уруғларни экишга тайёрлаш	Уруғқўчатларни униб чиқиши		Дала шароитида унувчанлиги, %	Вегетация охи-рида сақланиб қолиши, %
		дастлабк и	Ялп и		
Ноябр I-декада	куруқ ҳолда	4.04-8.04	10.04-15.04	77	69
Март II-декада	60 кун стратификация	7.04-11.04	14.04-20.04	78	70
Апрел I-декада	70-75 ⁰ С иссиқ сувда 6-8 соат димлаб	20.04-26.04	26.04-1.05	86	80
Апрел II - декада	70-75 ⁰ С иссиқ сувда 6-8 соат димлаб	2.05-6.05	1.06-5.06	76	64

(2008-2011 йил)

1-жадвалдан кўриниб турибдики кузда уруғлар куруқ ҳолатида экилганда уруғқўчатларнинг дастлабки униб чиқиши апрель ойининг биринчи ўн кунлигига

тўғри келади. Уруғ кўчатларнинг дала шароитида униб чиқиш кўрсаткичи 77% ни ташкил қилса, вегетация охирида уларнинг сақланиб қолиши даражаси 69 % га тенг бўлди. Уруғлар стратификациядан сўнг март ойида экилганда уруғкўчатларнинг дастлабки униб чиқиши апрель ойининг биринчи ўн кунлигига тўғри келади.



Япон софораси уруғларини экиш муддатларининг дала шароитида унувчанлиги ва вегетация даврининг сўнгида ниҳолларнинг сақланиб қолишига таъсири (2008-2011 йиллар)

Уруғкўчатларнинг дала шароитида униб чиқиш кўрсаткичи 78% ни ташкил қилса, вегетация охирида уларнинг сақланиб қолиш даражаси 70% га тенг бўлди. Ушбу усулда экилган уруғлар кузда экилганга нисбатан унувчанлик ва вегетация охирида уруғкўчатларнинг сақланиб қолиш даражаси 1% юқори кўрсаткични ташкил қилди. Баҳорда уруғлар 70-75⁰С иссиқ сувда 6-8 соат димлаб экилганда уруғкўчатларнинг дастлабки униб чиқиши апрель ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келса, ялпи униб чиқиши апрель ойининг охирига тўғри келади. Уруғкўчатларнинг дала шароитида униб чиқиши кўрсаткичи 86%ни ташкил қилса, вегетация охирида буларнинг сақланиб қолиш даражаси 80%га тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар кузда тайёрланмасдан

экилган уруғлардан униб чиққан уруғкўчатлар кўрсаткичларига нисбатан, унувчанлик ва вегетация даври охирида сақланиб қолиш даражаси 11% юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса сифатида шуни такидлаш керакки, Япон софораси уруғларини экишга тайёрлаш бўйича уч хил усулдан фойдаландик. Бунда уруғлар жорий йилнинг ноябр ойининг биринчи ун кунлигида, кейинги йил март ойининг иккинчи ўн кунлигида ва апрель ойининг биринчи ўн кунлиги қилиб белгиладик. Ушбу муддатларга мос равишда уруғларни экишга тайёрлаш усулларида фойдаландик. Ноябрь ойида уруғлар куруқ ҳолда ҳеч қандай ишловларсиз экилди, март ойининг биринчи ўн кунлиги учун 30 кун нам қумга аралаштириб сақланган ҳолда тайёрланган уруғларда фойдаланган бўлсак, апрель ойида куруқ уруғлар 70-75⁰ С ли иссиқ сувда 6-8 соат димлаб экилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги ПҚ-4424-сон «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.08.2019 й., 07/19/4424/3631-сон; 07.10.2020 й., 07/20/4850/1358-сон; 22.01.2021 й., 07/21/4960/0053-сон.

2. Абзалов А.А. Применение серы как важный фактор получения экологически чистого продукта лекарственных растений //Вестник аграрной науки Узбекистана. – 2009. – №. 1-2. – С. 54.

3. Абзалов А. А., Пирахунова Ф. Н., Жуманазаров Ж. Баланс азота удобрений при выращивании *Sophora japonica* L //Современные проблемы науки и образования. – 2019. – С. 84-84.

4. Кожахметов С.К., Убайдуллаев Ф.Б. Оддий сохта каштан ва япон софораси уруғларининг унувчанлигига гетероауксин ўстирувчи моддасининг таъсири. // Агро кимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини журнали – Тошкент, 3-2019. №3 – Б. 56 – 58).

5. Шукурова Н. Ф. Интродукция и продуктивность *Styphnolobium japonicum* на Апшеронском полуострове // Бюллетен науки и практики. 2022. Т. 8. №9. С. 67-75.